

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 223 (970)

7

НОВАБРЬ
ПАЙШАНБА
1957 ИИЛ

БАХОСИ
30 ТИЯНН

Яшасин Улуғ Октябр социалистик революциясининг 40 йиллиги!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИГА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Мурожаати

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, Совет Иттифоқи граждандари!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети силарни умумхалқ байрами — Улуғ Октябр социалистик революциясининг шонли қирқ йиллиги билан қизгин табриқлайди ва чин кўнгилдан қутлайди.

Бундан қирқ йил муқаддам мамлакатимизнинг ишчилари ва деҳқонлари Коммунистик партия раҳбарлигида, Владимир Ильич бошчилигида манфур буржуа-помешчилик тузумини ағдариб ташладилар, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар, жаҳонда биринчи чинакам халқ социалистик давлатини барпо қилдилар. Улуғ Октябр революцияси меҳнатқашларни ғалабали социалистик қурилишнинг кенг йўлига олиб чиқди, уларнинг қудратли ижодкор кучларини ишга солиди. Инсониятнинг социализм тўғрисидаги энг яхши ораччи тарихда биринчи марта амалга ошди.

Октябр социалистик революцияси, СССРда социализм қурилганлиги, Улуғ Ватан урушидаги ғалаба — булар совет халқининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган ва асло сўнмайдиған қаҳрамонликларидир.

Совет халқининг қаҳрамонона меҳнати билан барпо қилинган социалистик жамият тарихий синовдан шараф билан ўтди ва капитализмга нисбатан ўзининг устунлигини исбот қилди. Ҳеч қандай бўрон ва даҳшатлар, ташқи ва ички душманларнинг ҳеч қандай кирдиқорлари уни ларзага келтира олмади. Бир вақтлар қолоқ бўлган Россия тарихий қисқа муддат ичда совет тузуми асосида улуғ индустриал-колхоз давлатига айланди.

Совет Иттифоқининг картасига назар солсангиз, Ватанимизнинг қиёфаси таниб бўлмастик даражада ўзгариб кетганлигини кўрасиз. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакат жуда кўп заводлар, фабрикалар, электростанциялар, темир йўл ва автомобиль магистраллари, шахталар ва конлар, колхозлар, МТСлар ва совхозлар билан қопланди. Сибирнинг қалин тайга ўрмонлари, Урта Осиёнинг жазирама кум қўлларида, Кутб нарғиндаги тундрада, Кавказнинг тоғ водиларида катта саноят марказлари ва янги шаҳарлар қад кўтарди. Волга ва Днепрда, Сибирнинг азимат дарёларида энг катта электростанциялар қурилди ва қурилмақда. Қозогистон ва Олтойнинг чалада ўт босган даштларида эндиликда бугдойзорлар мавж уриб турибди.

Совет Иттифоқи халқларининг янги социалистик маданияти, санъати ва адабиёти мислсиз даражада гуллаб-яшнади. Халқ маорифи кенг ва муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Илғор совет фани социализмнинг муносиб мевасидир. Атом энергиясини ҳосил қилиш сирларини эгаллаб олган олимларимиз фанининг бир қанча соҳаларида капиталистик мамлакатлардан ўзбек кетдилар. Совет Иттифоқи биринчи бўлиб қитъалараро баллистик ракетани барпо қилди, инсониятнинг марсонавор орузини рўбга чиқарди — Ернинг жаҳонда биринчи суъбий йўдошларини учирди ва бу билан жаҳон фани хазинасига жуда катта янги ҳисса қўшди. Шу нарсага амин бўлиш мумкинки, совет олимлари янги аjoyиб кафиёتلар ва ихтиролар билан ҳали кўп марта лаб Ватаниннг шухратини оширадилар.

Жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги барча меҳнатқашларга, сиёсий ва жамоат арбобларига, фан ва маданият намояндаларига, парламентларга ва ҳукуматларга

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Мурожаати

Бундан қирқ йил муқаддам, жаҳон уруши қизиб турган пайтда, Россияда меҳнатқашларнинг жаҳонда биринчи социалистик давлати вужудга келди ва Владимир Ильич Ленин қўли билан ёзилган тарихий «Суд ҳақидаги Декрет» шу социалистик давлатнинг биринчи чиқарган қонуни бўлди. Шундан кейин тез фурсатда Совет давлати «Россия халқларининг ҳуқуқлари Декларацияси»да халқлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқли ва дўстона муносабатлар ўрнатилган программасини илгартирди.

Янги, жаҳонда ҳали мисли қўрилмаган ташқи сиёсатга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ўрнатилишидан астойдил манфаатдор бўлган ишчилар синфининг, барча меҳнатқашларнинг сиёсатига шу тарихда негиз солинди. Бу билан Совет давлатининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатига асос қилинди.

Ҳали мустақамламаган, лекин ўз ишининг тарихий ҳаққонийлигига батамом ишонган ёш совет республикаси барча давлатларга сулҳ ва ҳамкорлик қилишни таклиф этди. Контрреволюция кучлари Советлар Республикасига ҳужум қилиб, ҳарбий интервенция ташкил қилинган вақтда бу Советлар Республикаси ўзини ҳимоя қила олишини ва социалистик ғалабаларни қаттиқ туриб сақлаб қола олишини исбот қилди.

Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ ўзгаришларни амалга оширган Совет Иттифоқи эндиликда қудратли социалистик давлат бўлиб қолди, унинг кучлари барқ уриб яшнамоқда ва унинг бутун дунёда содиқ дўстлари бор.

«Суд ҳақидаги Декрет»ни тасдиқлаган Бутун-Россия Советларининг Иккинчи съезидан кейин ордан қирқ йил ўтгандан кейин ҳам бутун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети ҳамма халқларга тантанали равишда мурожаат қилиб, уларни тинчлик иншин тинмай мустақамлашга, халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга чақирди.

Меҳнатқашларнинг социалистик давлати тинчлик иншин қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда, агрессив интилишлар унга бегонадир, у мустамлакаларга ва тасъир доираларига муҳтож эмас, у ўзининг табияти билан ҳар қандай куликка ва миллий зулмга қаршидир.

Улуғ Октябр социалистик революцияси барча меҳнатқашларни эксплуатациядан қутқариш, мазлум халқларни мустамлака асоратидан қутқариш даврини

Социализм ғалабалари натижасида совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги ажудга келди ва мустақамланди, совет тузумининг бузилмас негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустақамланди. Дўстлик ва социалистик интернационализм руҳида тарбияланган руслар, украинлар ва белоруслар, ўзбеклар, қozoқлар ва грузинлар, озарбайжонлар, литвалликлар ва молдаванлар, латишлар, қирғизлар ва тожиқлар, арманлар, турманлар, эстонлар, автоном республикалар ва областларнинг халқлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳамма халқлари яхлит қардош оилага, социалистик миллатларнинг улуғ ҳамкорлигига абадий бирлашдилар.

Октябр революцияси меҳнатни мамлакатнинг эгасига айлантирди, меҳнатқаш кишини ўз мамлакатининг ҳўжайинига, ўз бахтининг ижодкорига айлантирди. Марксизм-ленинизмнинг, ишчилар синфи ва ўнинг Коммунистик партияси бошчилик қилган халқ эксплуататорларсиз ва техникўрларсиз жамият қуриши мумкин деган улуғ ҳақиқати эндиликда СССР таърибасида, шунингдек бошқа социалистик мамлакатларнинг таърибасида исбот қилинди. Социалистик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида тарихнинг оғли ва актив ижодкори бўлган, коммунизмга чексиз садоқатли бўлган янги киши ўсиб етишди.

Социализм ишлаб чиқарувчи кучларнинг зўр куч билан ривожланиши, меҳнатқашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тўхтовсиз ўсиши демакдир. Совет Иттифоқида йилдан-йилда миллий даромад ўсиб бормоқда, ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи ҳамда колхозчи деҳқонларнинг даромадлари кўпаймоқда, давлатнинг соиал ва маданий таъбирларга қилаётган сарфлари ортомоқда, етти ва олти соатлик иш кунга аста-секин жорий қилинмоқда. Совет халқи кечанга қараганда бугун яхшироқ яшамоқда, эртага эса бугунгига қараганда тагин ҳам яхшироқ яшайдиган бўлади. Барча совет кишиларининг эртани кунларига астойдил ишонганликлари социализмнинг энг муҳим ғалабалари ва устунликлари биландир.

Совет Ватани олдида янги жуда катта истиқболлар очилмоқда. Йўлбошимиз ва устозимиз В. И. Ленин илғор капиталистик мамлакатларга иқтисодий жиҳатдан етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш керак деган тарихий вазифани 1917 йилдаёқ олдимизга қўйган эди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида бизнинг мамлакатимиз жуда олға қараб ўсиб кетди. Кейинги йилларда Коммунистик партия XX съездининг қарорлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Совет халқи ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг шундай даражасига бориб етдики, фан ва техникани шу қадар барқ уриб тараққий эттирдикки, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифаси яқин давр ичда амалда рўбга чиқариладиган вазифа бўлиб қолди.

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг Коммунистик партия ва Совет давлати ишлаб чиқаётган перспектив планни экономиканинг ҳамма тармоқларини янада кенг миқёсда юксалтиришни кўзда тутди. Саноятнинг ҳал қилувчи тармоқларини тахминан 2-3

баравар ўстириш, қишлоқ ҳўжалигини кескин равишда юксалтириш яқин йиллар ичда халқнинг турмуш даражасини анча оширишга, совет кишиларининг тўхтовсиз ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлиқроқ қондиришга имконият берилди.

Мамлакатимизда илғор колхозларнинг ташаббуси билан аҳоли жон бошига ғўшт, сут ва ёғ еттиштириш даражаси жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига яқин йиллар ичда етиб олиш вазифасини ҳал этиш учун умум халқ ҳаракати авж олиб кетди. Совет Иттифоқи қудратли индустрияли ва машиналаштирилган йирик қишлоқ ҳўжалигини барпо қилиб, ҳозирги вақтда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, аҳолини озуқа маҳсулотлари, кийим-кечақлар, пойфазаллар, ҳар хил газламалар, мебель ва бошқа моллар билан мўл-кўл қилиб таъминламоқ учун ҳамма имкониятларга эгадир. Қисқа муддат ичда мамлакатда уй-жой танқислигини тугата оламиз, ҳамма граждандарни яхши уй-жойлар билан таъминлай оламиз.

Совет халқи энг кучли капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий мусобақани авж олдириб келажакка ишонч билан қарамоқда. Ҳўжалигимизнинг социалистик системаси, экономикаимизнинг план асосида тез суръатлар билан ривожланиши бизнинг мислсиз устунлигимиздир. Миллион-миллион омманинг битмас-туганмас ташаббускорлиги ва ижодий активлиги бизнинг ютуғимиздир.

Совет ҳокимиятининг қирқ йили мобайнида эришилган муваффақиятларимиз ниҳоят даражада катта муваффақиятлардир. Социалистик жамият қурилганлиги натижасида мамлакатнинг ҳаётида чуқур иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Халқнинг оғлиниги тобора кўпроқ ўсмоқда, социалистик демократия, чин халқ ҳокимияти кенг ва тўлиқ ривожланмоқда. Эндиликда бизнинг олдимизда асримизнинг улуғ идеясини — коммунизмни рўбга чиқариш вазифаси турибди.

Совет халқи қураётган коммунизмнинг ўзи нима? Коммунизм — жамият тараққийотининг олий босқичи бўлиб, бу босқичда ишлаб чиқарувчи кучлар, фан ва техника ижтимоий бойликини шу қадар ривожлантириб юборадикки, шу қадар мўл-кўлчилик бўладикки, ана ўшанда ҳар қимдан қобилиятига яраша, ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша деган принципни амалга ошириш мумкин бўлиб қолади. Одамларнинг қобилиятлари ҳар томонлама ривожланиши, уларнинг коммунистик оғиллиги ўсиши билан бирликда, умуминсоний маданият бўла равишда гуллаб яшайди, ҳамма меҳнатқашлар учун бахтли турмуш абадий қарор толади.

Шу мақсаддан ҳам одилона ва алуғроқ мақсад жаҳонда бўлиши мумкинми? Реакцион буржуазия коммунизмнинг бу идеялиги нимани қарама-қарши қилиб қўйиши мумкин? Ишчи ва деҳқонларни тинмай эксплуатация қилиш, зўр бериб қуруланиш, содиқларнинг ортиб бораётган юки, янги урушлар, кризислар ва ишсизлик, эртани кунга нисбатан абадий ишончсизлик ва қўрқувлардан бошқа ҳечнимани қарама-қарши қилиб қўя олмиш мумкин эмас.

Қарийб ўттиз йил давомида Совет Иттифоқи жаҳонда **СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ОЛИЙ СОВЕТИ.** Москва, 1957 йил, 6 ноябрь.

ҳонда ягона социалистик мамлакат бўлиб келди, ҳаминша у четдан бўладиган ҳўжуи ҳаёфи остида яшади. Энди у вақтлар ўтиб кетди. СССР капиталистик давлатлар океанида социализм ороли бўлишдан қутулганига анча вақт бўлди. Эндиликда Совет Иттифоқи улуғ Халқ Хитойи билан, Европа ва Осиёдаги барча социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилмоқда. Социализм 950 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган жаҳон системаси бўлиб қолди. СССР меҳнатқашларининг ер юзидаги барча мамлакатларнинг меҳнатқашлари билан интернационал алоқалари мислсиз равишда ўсиб кетди, кенгайди ва мустақамланди.

Бутун қирқ йил давомида Совет мамлакатининг ижтимоий системалари турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш мумкинлиги ҳақидаги ленинча принцинга амал қилиб, тинчлик, ҳамма мамлакатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсатини оғишмай ва изчил бўлиб ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Совет социалистик давлати бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ ва сақлаб қолмоқ учун бундан буён ҳам ўз кучини аямайди. Ғалабалар шухратига тўлиб-тошган, халқ билан чамбарчас боғланган, халқнинг муҳаббатига ва гамҳўрлигига билан ардоқланган Советлар мамлакатининг қудратли Қуроли Кучлари Октябр социалистик революцияси улуғ ғалабаларининг, совет кишилари тинч меҳнатининг ва Ватанимизни ҳавфсизлигининг госбони бўлиб турибди. Советлар мамлакатини Қуроли Кучлари қудратининг асосий манбаи шуки, уларнинг ташкилотчи, раҳбари ва тарбиячиси бизнинг Коммунистик партияимиздир.

Севилки Ватанимиз ўз кучлари ва ижодий қобилиятлари гуллаб-яшнаб турган ҳолда Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини кутиб олмоқда. Совет халқи эришган барча тарихий ғалабаларининг илҳомчиси ва сингалган йўлбошчиси бўлган Коммунистик партия уни коммунизм сари ишонч билан олға бошлаб бормоқда. Коммунистик партия ҳалқимизни қилаётган барча ижодий фаолиятнинг жони ва ақл-идроки, коммунистик жамиятнинг улуғ меъморидир.

Азиз ўртоқлар, дўстлар, ватандошлар! Совет давлатининг бошланаётган эллигинчи йили азиз социалистик Ватанимизни тагин ҳам кўпроқ яшнатадиган йиллар бўлсин. Умумхалқ социалистик мусобақасида янги муваффақиятларга эришайлик! Ҳўжалик ва маданий қурилишда тагин ҳам катта ғалабаларга эришайлик! Совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришайлик! Бутун дунёда тинчлик бўлсин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марксизм Комитети теварағида сафарларимизни тагин ҳам энг қилиб жипслаштирайлик!

Яшасин Улуғ Октябрнинг қирқ йиллиги! Коммунистик жамият қураётган қаҳрамон совет халқига шон-шарафлар бўлсин!

Марксизм-ленинизмнинг энгилмас байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабалари сари, олға!

тинчликсевар халқларнинг биронтаси ҳам ҳеч бир чет давлатнинг раҳбар бўлишига рози бўла олмайдик, чунки бундай раҳбарлик миллий мустақилликни йўқотишга олиб келади.

Совет давлати бошқа мамлакатларга раҳбар бўлиши ҳеч қачон даъво қилмади ва даъво қилаётгани йўқ. Совет давлати барча давлатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини ҳурматлайди, ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилади. Совет давлати тинч-тотув яшашнинг машҳур беш принципини: территориал бутунлик ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш принципларини қизгин маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Осиё ва Африкада ўз озодлиги, мустақиллиги учун, тинчликни мустақамлаш учун курашиб, катта ғалабаларга эришган мамлакатларнинг халқлари бу принципларни кенг равишда эътироф қилдилар. Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Цейлон, Афғонистон, Миср, Сурия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари янги урушнинг олдини олиш ишига, тинчликни ҳимоя қилишдан иборат улуғ ва олижаноб ишга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет Иттифоқи халқлари барча социалистик давлатларнинг халқлари тинчлик учун совет халқи билан бирликда изчил бўлиб ва зўр бериб курашганликларини чуқур мамнуният билан қайд қилдилар. Социалистик бўлмаган тинчликсевар давлатларнинг қўллари ва тинчлик тарафдорларининг улуғ жаҳоншумул ҳаракати ҳам бутун дунёда тинчлик учун актив курашмоқда.

Лекин жаҳонда халқро кескинликни юмшатишга тўққиллик қилаётган, совуқ муносабатлар уруши олиб бораётган, зўр бериб қуруланишни давом эттириб, янги қирғин уруши ҳавфини туғдираётган кучлар ҳали ҳам бор.

Тинчлик таъминланиши лозим ва тинчликни барча тинчликсевар кучлари жипслаштириш, уларнинг уюшқоқлигини ва активлигини ошириш йўли билан таъминлаш мумкин.

Барча мамлакатларнинг ишчилари ва деҳқонлари, олимлари ва маданият арбоблари, парламентларнинг депутатлари! Янги уруш ҳавфини йўқотиш ва мустақ-

кам тинчлик ўрнатиш бизларнинг ўзимизга, биргаликда ҳаракат қилиб зўр беришимизга боғлиқдир.

Яхши интилади кишилар! Халқларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаётган ва халқларнинг тақдирлари билан ўйнашаётган сиёсий арбобларни ва давлат арбобларини жиловлаб қўйиш силарнинг қўлингиздан келади. «Зўравонлик позицияси»га таянувчи сиёсатни улоқтириб ташлаб, унинг ўрнига тинч-тотув яшаш сиёсатини, давлатлар ўртасида ишонч, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатиш сиёсатини ўтказиб пайти келди.

Биз, СССР Олий Советининг депутатлари бу фикрлар ва ҳисларни тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик манфаатларини қадрлайдиган барча кишилар кенг равишда сиққилди билан қабул қилдилар деб чуқур ишонамиз.

СССР Олий Совети ҳамма халқларга, барча ишчи ва деҳқонларга, фан ва маданият намояндаларига, сиёсий арбобларга ва жамоат арбобларига, жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига мурожаат қилиб айтдики:

— ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш учун ва халқро ҳамкорлик учун сабат билан курашингиз.

— қурул-яроғларни ва қурулди кучларни ёппасига қамайтиришга, атом ва водород қурулини тақиқлашга эришингиз.

— атом ва водород қурули синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида битимга келишга эришингиз.

— Европада ва Осиёда коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтирингиз.

— иқтисодий ва маданий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантирингиз, халқлар ўртасида ишончи мустақамлангиз.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети ўз масъулиятини ва ҳозирги халқро вазиятининг бутун жидайллигини англаб, барча тинчликсевар халқларга мурожаат қилиб айтдики, янги урушнинг олдини олмақ учун қилинадиган актив ҳаракатларни авж олдириб юборингиз.

Тинчлик иши халқларнинг ўз қўлидадир!

Барча мамлакатларнинг халқлари, бутун дунёда тинчлик учун олиб борилаётган курашда ўзларингизнинг куч ва ғайратларингизни бирлаштирингиз!

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ОЛИЙ СОВЕТИ. Москва, 1957 йил, 6 ноябрь.

